ЛЕКСЕМА СЕМАНТИК-СИНТАКТИК ВАЛЕНТЛИГИГА ҲАРАКАТ ТАРЗИ ШАКЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

М.К.АБУЗАЛОВА

В статье исследуется проблема влияния несинтаксических грамматических категорий узбекского языка на семантико-синтаксическую валентность слова и дается подробный анализ этого явления на примере форм образа действия. Отмечается ограниченность валентных возможностей некоторых модальных форм глаголов, что обосновано множеством примеров сочетаемости/несочетаимости их с другими словами.

The article discusses the problem of influence of non-syntactical grammatical categories of the Uzbek language on the semantic and syntactic valency of the word and the author gives a perfect analysis of this phenomena in the examples of forms of attendant circumstances and points out the limitations of modal forms of the verb in matters of valency. These facts are supported by a number of examples dealing with their combinability with other words.

Валентликка мутлақо таъсир этмайдиган шаклнинг ўзи йўқ. Ўзбек тили айнан шу валентликнинг таъсири – биргина грамматик шаклнинг гап қурилишини кенгайтириши ёки торайтириши – билан ҳам характерлидир. Маълумки, валентлик – тилшуносликда лисоний бирликларнинг юзага чиқмаган бирикувчанлик-бириктирувчанлик имкониятлари сифатида қаралувчи лисоний ҳодиса. Унинг семантик, синтактик ва грамматик шакл валентлиги каби турлари мавжуд. Ўзбек тилшунослигида валентлик масаласи С.Муҳамедова, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, И.Қўчқортоев ва бошқа қатор олимларнинг ишларида кўриб ўтилган [3,5,10].

Лексема нутқ жараёнида юзага чиққанда, табиийки, маълум бир сўзшакл сифатида, маълум бир синтактик позицияда воқеланар экан, лексеманинг лексик-семантик валентлиги бу жараёнда, албатта, грамматик шакл валентлиги билан тўқнашади. Дарҳақиқат, валентлик жиҳатдан кучсиз бўлган «гул» лексемасининг маълум ўринда белги номлари билан ҳам (чиройли гул), турли хил ҳаракатларни ифодаловчи феъллар билан ҳам (гул термоқ, гулга қарамоқ) бирика олади, унинг имкониятлари ниҳоятда кенгдир. Шунга таянган ҳолда биз феълнинг ҳаракат тарзи шакллари (айрим манбаларда феълнинг модал шакллари, феълларда тарз-тус шакллари, феълнинг аналитик/перифрастик формалари, қўшма феъллар, етакчи ва кўмакчи феъл бирикиши деб ҳам юритилади) ҳам лексик-семантик валентликка таъсир этмай қолмайди, деган хулосага келишимиз керак ва қуйида айнан шу масала устида тўхталамиз. Ҳаракат тарзи шакллари феъл ифода этган ҳаракатнинг давомийлиги (узоқ/қисқалиги), такрорланувчан/бир карралиги, кутилган/кутилмаганлиги, ҳаракат натижасининг ўзгага/феъл ифодалаган ҳаракат фоилига қаратилганлиги… каби хилма-хил маъно нозикликларини ифодалашга хизмат қиладиган, туркий тиллар учун ўзига хос ва жуда таъсирчан ифода воситасидир. Ҳар бир шакл ўзига хос маъно ва таъсир хусусиятига эга (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳаракат тарзи шакллари ва уларнинг маъно хусусиятлари

№	Шакллар	Маъно хусусияти
1	Айтмоқ	Маълум бир ҳаракатни унинг содир бўлиш тарзларига бефарқ – нейтрал равишда аташ
2	Айтиб бермоқ	Маълум бир ҳаракатни бировга атаб, унинг содир бўлиш тарзларига бефарқ – нейтрал равишда аташ
3	Айтиб юрмоқ	Маълум бир ҳаракатнинг узоқ муддатда такрор ва такрор қайтарилганлигини аташ
3	Айтиб қўймоқ	Маълум бир ҳаракатнинг ҳаракат бажарувчи фоил учун кутилмаганда содир бўлганлигини аташ
4	Айтиб қолмоқ	Маълум бир ҳаракатнинг ҳаракат бажарувчи фоилдан бошқа коммуникантлар учун кутилмаганда содир бўлганлигини аташ
5	Айтиб юбормоқ	Маълум бир ҳаракатнинг ҳаракат бажарувчи фоил учун ҳам, ўзгалар учун ҳам кутилмаганда (фавқулодда) жуда тез ва ҳаммага етиб борадиган тарзда содир бўлганлигини аташ
6	Айтиб турмоқ	Маълум бир ҳаракатнинг узилишлар билан анча муддат давомли содир бўлишини аташ
7	Айтиб кетмоқ	Маълум бир ҳаракатнинг кутилмаганда жуда тезлик ва осонлик билан бироз муддат давомида содир бўлишини аташ

Биринчи – доминанта шакл (resp. айтмоқ лексемаси) нутқий воқеланишда ҳаракатнинг содир бўлиш тарзи билан алоқадор бўлган турли-туман (ҳатто бир-бирига зид, чунончи, *миллион марта – бир марта; ўйлаб-ўйлаб – ўйламай, бирдан – шошилмай*…) маъноларни ифодалайдиган тарз ҳоллари билан бемалол бирика олади. Лекин 2-7-шакллар валентлиги (бирикувчанлиги)да бундай эркинлик йўқ; тарз ҳолларининг маъно кўринишлари ҳаракат тарзи шакли маъноси билан уйғунлашиши, мослашиши шарт. Шунинг учун анча муддат айтиб қолди/

юборди…, бир карра айтиб юрди… каби бирикмаларни ҳосил қилиш мумкин эмас – ҳаракат тарзи шакллари ўз маъноларини инкор қиладиган ҳоллар билан меъёрий тарзда бирика олмайди.

Ҳаракат тарзи шакллари гап қурилишига таъсир қилади: гапни бўлаклар жиҳатдан ё кенгайтиради, ё торайтиради. Буни қуйидаги мисоллар ёрдамида кўриш мумкин:

Момомиз уввос-уввос йиғлайди (Т.Мурод).- Момомиз йиғламсирайди.

Тобига келган чойдишдек шарақлаб кулиб Палмонтоз кириб келди (А.Мухтор).- Тобига келган чойдишдек кулимсираб Палмонтоз кириб келди.

Ҳошимжонга қараб ўтирган Анзират хола пиқ этиб кулиб юборган эди, бурнидан пуфак ёрилди (А.Қаххор).- Ҳошимжонга қараб ўтирган Анзират хола кулимсираган эди, бурнидан пуфак ёрилди.

Мисолларда кузатганимиздек, бу каби гапларда ҳаракатнинг кучсиз даражасини кўрсатувчи шакллар (-мсира, -имсира) гап қурилишини қисқартирган, яъни иккинчи гапларга эътибор берсак, *уввос-уввос, шарақлаб, пиқ этиб* каби бирликларнинг мазкур шакллар таъсири остида гап таркибидан мантиқан ўрин ололмаслиги ҳақида ҳукм чиқариш қийин эмас.

Қиз лабига бўёқни сурди - Қиз лабига бўёқни кўп суркади. Бу каби мисолларда эса гап таркиби кенгаяди. Чунки ҳаракат тарзини ифодаловчи қўшимча (-ка) ҳаракатнинг кучли даражасини кўрсатади. Шунинг учун ўзидан олдин кучли ҳаракат ифодалашга ёрдам берадиган сўзларни ўзига бириктириб туради (кўп суркади).

Энди эътиборимизни бошқа шаклларга қаратайлик.

1. Жамшид арқонни оҳиста тортди - Жамшид арқонни тортқилади.

2. Дурдона дугонасини аста туртди - Дурдона дугонасини турткилади.

Иккинчи гапларга ҳаракат тарзи шакллари (-кила, -қила) қўшилгандан сўнг гап таркиби қисқарган, чунки биз «Дурдона дугонасини аста турткилади», дея олмаймиз. Бунинг сабаби шуки, [аста] лексемаси - қила (-кила, - гила, - ғила) қўшимчасининг бўш ўрнини тўлдира олмайди, яъни бирикувчанлик қобилияти йўқ. Шунинг учун ҳам грамматик шакллардан ҳаракат тарзи қўлланганда, улар ўз-ўзидан воқелашмай қолади.

Носинтактик категориялар сифатида тасниф этиладиган грамматик шакл ва категорияларнинг улар бирикиб келган сўзнинг семантик-синтактик бирикувчанлигига таъсирини кўриб чиқиш асосида (бошқа мақолаларда носинтактик категориялардан сифат даражалари, сон, субъектив баҳо категорияси шакллари кўриб чиқилган) биз қуйидаги **умумий хулосага** кела оламиз: *Бу грамматик шакл ва категориялар ўзлари бирикиб келган лексеманинг бирикувчанлик қобилиятини маълум даражада чеклайди.* Бу ҳаракат тарзи шакллари учун ҳам хос лисоний хусусият саналади. Бу носинтактик грамматик категорияларнинг сўздаги семантик-синтактик валентликка таъсирининг умумий хусусияти бўлиб, ўз навбатида, туркий тиллардаги (эҳтимол, нафақат туркий тиллардаги) бундай категорияларнинг семантик хусусияти билан боғлиқ бўлса керак. Ўзбек тилида бу ҳодисанинг кучлилиги туркий тиллар грамматик шаклларида семантик омилнинг анча устунлик ҳодисаси билан узвий боғланган. Морфологик шакллар бу тилларда ўзига хос семантик (маъновий) қийматга эга бўлганлиги боис, улар сўзнинг семантикасига таъсир кўрсатади. Бу таъсир айрим ҳолатларда шу даражада кучлики, морфологик шаклни айрим тилшунослар ясама сўз сифатида талқин этишларига ҳам асос бўлади. Жумладан, акад. П.Азимов туркман тилида кўплик сон ясовчи *-лар* қўшимчасини сўз ясовчи сифатида тасниф этган эди [1]. Кўплик сон шаклини ясама сўз сифатида, яъни сон қўшимчасини деривацион қўшимча сифатида талқин этиш бошқаларда ҳам учрайди [6]. Ҳозирги ўзбек тилшунослигида *-дай, -дек, -ники, -даги* каби морфемаларнинг тилшунослар томонидан баъзан сўз ясовчи [2.94-96], баъзан функционал формалар [9.162-164], нокатегориал шакллар [8.274-279], нопарадигматик морфемалар [7.149], кўмакчисимон қўшимчалар [4] сифатида тасниф этилиши ҳам шу билан боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Азимов П. Туркман дили. – Ашхабад, 1950
2. Айюб Ғуломовнинг илмий мероси. 3-китоб. – Т., 2007
3. Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари (Филология талабалари учун қўлланма). – Т.: Университет, 1999
4. Ne`matov H., G`ulomov A., Abduraimova M., Qodirov M. Ona tili. 7-sinf uchun darslik. – T., 2000
5. Расулов Р. Сўз валентлиги ва синтактик алоқа // Ж. Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1992. -№5-6
6. Реформатский А.А. Число и грамматика // Вопросы грамматики. Сборник статей к 75-летию акад. И.И.Мещанинова. – М.-Л., 1960
7. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili. – T., 2006
8. Турсунов У. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1992
9. Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т., 1980
10. Қўчқортоев И. Валентлик ва семантик мослашув// Ўзбек тилшунослиги ва стилистикаси масалалари. Илмий асарлар тўплами. 648-сон. – Т., 1980

Бухоро давлат университети,
2012 йил 22 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)